# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 44 (8.628) ◆ 1995 йил 17 апрель, душанба Сотувда эркин нархда


## ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ЧИМКЕНТ УЧРАШУВИ

Қадим турон заминида яшаб келаётган халқларнинг ўзаро қўшничилик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорлиги узоқ-узоқларга бориб тақалади. Миллий мустақилликка эришган Марказий Осиё республикалари янада яқинлик ва ҳамжиҳатлик йўлини тутдилар.

14 апрель куни Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви ана шу биродарлик ва ҳамкорлик йўлидаги яна бир дадил қадам бўлди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ҳамда Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев иштирок этди.



Р. Жуманиёзов олган суратлар.

Жанубий Қозоғистон вилояти марказидаги металлурглар маданият саройида уч давлат раҳбарлари ўртасида музокаралар бўлди. Президентлар тақдири муштарак ва келажаги бир хил бўлган Марказий Осиё халқларининг тарихий, жўғрофий, маданий яқинлиги ва тилининг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда кўп асрлардан буён давом этаётган яхши қўшничилик алоқалари негизида ўзаро яқинлашиш жараёни қонуний ва ихтиёрий тарзда давом этаётганини қайд этдилар. Шунинг баробарида, минтақадаги ҳар бир давлат ўз истиқлоли ва сиёсий мустақиллигини дадил мустаҳкамлаётганини таъкидладилар. Ўзаро иқтисодий интеграцияни жадаллаштириш лозимлиги айтилди.

Музокаралар сўнгида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Президентлар Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро кенгаши қарорини ҳамда уч республика Президентлари учрашуви тўғрисидаги ахборотни имзоладилар. Шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарлари Тожикистон бўйича баёнот қабул қилдилар.

Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Аскар Акаев журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Хусусан юртбошимиз Ислом Каримов 29 апрель куни Қозоғистонда ўтадиган референдум ҳақидаги саволга жавоб берар экан, жумладан бундай деди:

— МДҲ давлатлари бир тузумдан бошқасига ўтиш даври қийинчиликларини бошдан кечираётган бир паллада бизга қўшни ва қардош Қозоғистон халқининг тинчлигини, осойишталигини юксак қадрлаймиз. Албатта, биз қўшни давлатнинг ички сиёсатига аралашмаган ҳолда, шу мамлакат Президенти Нурсултон Назарбоев юритаётган сиёсатга Қозоғистонда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари аҳиллик ва холислик билан ўз фикрларини билдиришларига ишончимиз комил.

Сафар мобайнида уч қардош мамлакат раҳбарлари Чимкент шаҳридаги темирчилик-пресслаш ускуналари ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдилар. Маълумки, Чимкент Қозоғистоннинг йирик саноат шаҳарларидан бири саналади. Президентлар бирлашманинг халқ хўжалиги учун зарур дастгоҳ ва ускуналар ҳамда халқ истеъмоли моллари тайёрлайдиган цехларини кўздан кечирдилар. Ишчилар билан суҳбатлашдилар. Бундан ташқари, уч республика Президентлари Чимкент автобуслар йиғиш заводида бўлиб, корхонанинг хорижий шериклар ҳамкорлигида фаолият кўрсатиш борасида амалга ошираётган ишлари билан танишдилар.

Чимкент сафарида мамлакатимиз Президентига республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкентга қайтиб келди. Аэропортда мамлакатимиз раҳбарини республика Олий Мажлиси раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзА).

## ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ ТОЖИКИСТОНГА ДОИР БАЁНОТИ

Президентлар Н. Назарбоев, А. Акаев ва И. Каримов 1995 йил 14 апрелда Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган амалий учрашув чоғида Тожикистонда ва Тожикистон-Афғонистон чегарасида юз бераётган вазият хусусида фикрлашиб олдилар.

Учрашув иштирокчилари мухолифатнинг куролли тузилмалари шу йил 7 апрель куни содир этган ҳамда одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган ҳаракатларини қоралайдилар ва Россия, Қозоғистон ҳамда Тожикистоннинг ҳалок бўлган чегарачилари оилаларига чуқур ҳамдардлик билдирдилар.

Давлат бошлиқлари Тожикистон муаммосини бартараф этиш юзасидан илгари МДҲ доирасида қабул қилинган қарорларни қўллаб-қувватлаб ва Тожикистон билан Афғонистон ўртасидаги чегарани ҳамдўстликнинг ташқи чегараси деб ҳисоблаб, Тожикистондаги тангликни фақат сиёсий мулоқот, ўзаро келишувни излаш йўли билангина узил-кесил ҳал қилиш мумкин, деган якдил фикрга келдилар.

Учрашув иштирокчилари мухолифатни Тожикистондаги тангликни ҳал этишнинг ҳарбий ва бошқа зўравонлик ишлатиладиган усулларидан воз кечишга чақирдилар ҳамда МДҲ давлатларини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотини миллий ярашиш муваффақиятли кечишига, Тожикистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига кўмаклашишга даъват этдилар.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатлари бошлиқлари Тожикистон раҳбариятига тожикларнинг ўзаро музокаралари жараёнини кучайтиришни, можароли вазиятни бартараф этиш учун мумкин бўлган барча воситалардан фойдаланишни таклиф қиладилар.

Шу билан бир вақтда Тожикистон ҳукуматига ва мухолифатга улар ўзаро келишган ҳолда БМТ раҳбарлигида яқин вақт ичида Алмати шаҳрида энг юксак даражада тожикларнинг ўзаро музокараларининг навбатдаги даврасини ўтказиш таклиф қилинади.

Марказий Осиёдаги уч давлат Президентлари тожикларнинг ўзаро мулоқотининг муваффақиятли ўтишига ҳар томонлама кўмаклашишга ва бу жараённи қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини изҳор қилиб, Тожикистон муаммосининг барча жиҳатларини зўравонлик билан эмас, тинч йўл билан кенг қамровли ҳал қилишга эришиш зарурлигини яна бир бор тасдиқладилар.

## ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1995 йил 14 апрель куни Чимкент шаҳрида Марказий Осиёдаги уч давлат бошлиқлари — Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг амалий учрашуви бўлиб ўтди.

Давлат бошлиқлари Марказий Осиё минтақасидаги вазият ҳамда уч мамлакат ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ бир қанча масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Президентларнинг музокаралари ўзаро фойдали муносабатларни янада ривожлантириш хусусида бу давлатлар тутган йўлнинг бир хиллигини яна бир бор тасдиқлади. Учрашув чоғида уч мамлакат ҳамкорлигининг мавжуд имкониятларидан тўла фойдаланишга, Марказий Осиё давлатларининг бир-бирига яқинлашуви жараёнини тезлаштиришга олиб келиши лозим бўлган аниқ ёндашувлар белгилаб олинди.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисидаги шартномани амалга ошириш жараёнининг энг муҳим жиҳатларини кўриб чиқдилар.

Шартнома доирасида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш юзасидан аниқ тавсиялар айтилди.

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 2000 йилга қадар иқтисодий бирлашиш дастури кўриб чиқилди ва маъқулланди, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлатлараро кенгаши ижроия қўмитасининг, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг ахбороти тингланди.

Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари ягона бож маконини барпо этишга содиқ эканликларини таъкидладилар ва улар Россия Федерацияси, Беларус Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги бож иттифоқига қўшилишга тайёр эканликларини маълум қиладилар, бу Марказий Осиё давлатларининг интеграция жараёнларини мустаҳкамлашга интилаётганининг янги далилидир.

Давлат бошлиқлари ўз мамлакатларида кечаётган сиёсий жараёнларни кенг тарихий нуқтаи назаридан муҳокама қилдилар.

Қирғизистон Президенти А. Акаев билан Ўзбекистон Президенти И. Каримов вужудга келган ижтимоий-сиёсий шароитда Президент Н. Назарбоев ваколатлари муддатини узайтириш тўғрисида Референдум ўтказиш юзасидан қарор қабул қилиш энг мақбул йўл бўлиб, ижтимоий барқарорликни таъминлашга, иқтисодий ўзгартишларни Қозоғистон халқининг фаровонлиги ва гуллаб-яшнаши йўлида изчиллик билан, жўшқин ўтказишга хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

Давлат бошлиқларининг учрашуви уч мамлакат раҳбарларининг мулоқотини давом эттириш зарурлигини, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг интеграция жараёнлари жиҳатидан Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг ўзаро баҳамжиҳат ҳаракатларини чуқурлаштириш истиқболли эканини яна бир бор тасдиқлади.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон раҳбарлари минтақада иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳалардаги жараёнларнинг ривожланишини таҳлил этиб, ҳозирги вақтда Марказий Осиё давлатлари уюшмасини ташкил қилиш учун муайян ҳуқуқий негиз ва сиёсий шарт-шароит яратилганини қайд этдилар.

Минтақадаги барқарорликни таъминлаш мақсадида уч давлат бошлиқлари БМТ раҳбарлигида тинчликпарвар кучлар бирлашган батальонини тузишни мақсадга мувофиқ, деб биладилар ва бу ташаббусни БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий қўллаб-қувватлаётганини мамнуният билан таъкидладилар.

Улар ҳукуматлар ва мудофаа вазирликлари раҳбарларига бундай батальонни тузиш юзасидан аниқ таклифлар киритишни топширдилар.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч тадбирлари юзасидан кенгаш чақириш хусусидаги Қозоғистон ташаббусини ҳамда Тошкент шаҳрида БМТнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммолари бўйича доимий ишлайдиган семинарини барпо этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашга ва бу таклифлар халқаро майдонда рўёбга чиқиши учун зарур куч-ғайрат сарфлашга аҳд қилдилар.

Томонлар бундан буён ҳам МДҲ доирасида фаол сиёсат ўтказиш, минтақада барқарорликни сақлаб туриш, ҳамжиҳатликка ва халқаро ҳамкорликнинг янада ривожланишига эришиш мақсадида Ҳамдўстликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш ниятларини изҳор қилди.

Чимкент шаҳри,
1995 йил 14 апрель.

## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА

❑ Бош вазир ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов К.Гриффин раҳбарлигидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти миссияси аъзолари билан учрашди. Улар мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан ташишиш мақсадида Ўзбекистонга келган. Шу куни БМТ миссияси аъзолари билан Бош вазир ўринбосари Дилбар Ғуломова ҳам учрашди.

❑ Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг икки йиллигига бағишлаб тантанали мажлис ўтказилди.

❑ Давлат солиқ қўмитаси ходимларининг сим орқали кенгашида йилнинг биринчи чораги якунлари муҳокама этилди.

❑ Коммунал хизмат вазирлигида ёнилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишга бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия, Франция, Германия мутахассислари ҳам маърузалар билан чиқдилар.

❑ Гулистонда Сирдарё вилоятида биринчи доимий ишлайдиган савдо кўргазмаси ташкил этилди. Унга 40 дан ортиқ хусусий, кичик ва қўшма корхоналарнинг 30 миллион сўмлик маҳсулотлари қўйилди. Савдонинг биринчи куниёқ 10 миллион сўмлик маҳсулот сотилди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Россия парламентининг юқори палатаси — Федерация Кенгаши делегацияси Тожикистонда бўлиб, тожик-афғон чегарасидаги вазият билан танишди.

❑ Бугун тожик муҳолифатчилари вакиллари Тожикистон маъмурлари билан навбатдаги музокаралар ўтказиш учун Москвага келадилар. Бу музокаралар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Россия воситачилигида ўтказилади.

❑ Кеча Молдовада маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга кўра унда аграр-демократик партия вакиллари сайловчиларнинг нисбатан кўпчилик овозини олганлар.

❑ Сочида дам олишни тугаллаб, Москвага қайтиб келган Борис Ельцин мамлакатда парламент ва Президент сайловлари Конституцияда белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳақида баёнот берди.

❑ Ашхабодда бўлиб ўтган Марказий Осиё республикалари, Озарбайжон, Эрон ва Туркия мусиқачиларининг биринчи халқаро конкурсида Тошкент Давлат консерваториясининг 5-курс толибаси Гули Жўраева иккинчи мукофотни олишга сазовор бўлди.

### ХОРИЖДА

❑ Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида ядровий қурол-яроғларни тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома муддатини узайтиришга бағишланган конференция иш бошлайди. Жаҳондаги 172 мамлакат имзолаган бу ҳужжатни муддатсиз узайтириш мўлжалланмоқда. Конференцияда 114 давлат раҳбарлари ва ташқи ишлар вазирлари иштирок этади.

❑ Бугун Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг Қувайтга расмий ташрифи бошланади.

❑ АҚШ билан Европа Иттифоқи ярим йилдан буён Трансатлантика эркин савдо зонаси барпо этиш юзасидан музокаралар ўтказмоқдалар. Бу музокараларни муваффақиятли тугаллаш амалда икки қитъа — Америка билан Европада эркин савдони амалга ошириш имконини беради.

❑ Ангола ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатдаги тинчликни сақлаш кучлари мақоми тўғрисидаги битимни маъқуллади. Республика парламенти бу битимни тасдиқласа, Анголага халқаро ҳамжамиятнинг 7 минг кишидан иборат тинчликни сақлаш кучлари киритилади.

❑ Иордания ислом қаршилик ҳаракати — ҲАМАС фаолиятини ҳар қандай қўллаб-қувватлашни ман этиб қўйди.

❑ Польша Президентининг матбуот бўйича вакили «Польша давлати иккинчи жаҳон уруши тугаганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Москвада ўтказиладиган тантаналарда иштирок этмайди», деб баёнот берди.

❑ Швеция пойтахти — Стокгольм маҳаллий бюджетининг чорак қисмини автомобиллар эгасидан қоидабузарликлари учун олинаётган жарима ташкил этар экан.

## ЭЛЧИХОНА УЮШТИРАЁТГАН КЎРГАЗМАЛАР

Истеъдодли рассом Акмал Нуриддинов чизган жозибадор асарлар эндиликда чет элларда ҳам эътибор топмоқда. Бу санъаткор ижод намуналари асосида ташкил этилган кўргазмалар мўйқалам санъати мухлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўтган йили рассом кўргазмасига Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси бош-қош бўлган эди. Бу экспозицияга мусаввирнинг элликка яқин картиналари қўйилиб, республикамизга ташриф буюрган немис томошабинларининг ҳам эътиборини ўзига тортди.

Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси яна бир ибратли тадбирга қўл урди. Бу йил ҳам ана шу истеъдодли мўйқалам устасининг яна бир ижодий кўргазмасини очиш кўзда тутилди.

Гап шундаки, элчихона Германиянинг Ганновер шаҳридаги санъатсеварлар билан ҳамкорликда қатор бадиий кўргазмалар очишга киришди. Ана шу ижодий дастур асосида ўзбек рассомлари асарларини кенг тарғиб қилиш тадбирлари ҳам кўрилмоқда.

Мазкур дастур доирасида рассом Акмал Нуриддиновнинг навбатдаги ижодий кўригини шу шаҳарда ўтказиш режалаштирилди. Бу кўргазма рассомнинг бир неча полотносидан иборат бўлиб, яқин орада Германияга юборилади.

Озод АҲМЕДОВ.

Суратли ахборот

## «ТОЙОТА — ЎЗИНАВТОСЕРВИС» ДЎКОНИГА МАРҲАМАТ







Куни кеча эрталабдан шаҳримизнинг Фурқат кўчасидаги 1-уй олди одамлар билан гавжум бўлди. Улар бу ерга «Тойота — «Ўзинавтосервис» Япония — Ўзбекистон қўшма корхонасининг «Тойота» машиналари ҳамда эҳтиёт қисмлар билан савдо қилувчи янги дўконининг очилиш маросимига тўпланишганди. Ниҳоят тантана бошланди. Сўз қўшма корхона бошқарувининг раиси Александр Эшонхўжаевга берилди.

— Бундан 4 йил муқаддам пойтахтнинг Собир Раҳимов метроси бекати яқинида «Тойота» машиналарига техник хизмат кўрсатиш станцияси очилганди, — дея гап бошлади у. — Ўшанда корхонамизда бор-йўғи 15 кишигина ишларди, холос. Бироқ шу муддат ичида анча ишлар қилинди. Таъмирловчи ишчиларимиз Япония ва бошқа жойларга бориб автомобилларга техник хизмат кўрсатишнинг замонавий услубларини ўрганиб келишди. Натижа ёмон бўлгани йўқ. Ҳозир қўшма корхонада 60 та ишчилар ишлашмоқда. Улар нафақат республикамиз, балки Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларида ҳам автомобилларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этишаяпти.

Қўшма корхона қошида машиналар билан савдо қилувчи дўконнинг очилиши нур устига аъло нур бўлди. Чунки Япониядан келтирилган бу машиналарни харид қилган автоҳаваскорларга эндиликда ўзимиз хизмат кўрсатамиз. Шунинг учун келажакда бундай дўкон ва техник хизмат кўрсатиш станцияларини жойларда очишни ҳам ташкил этамиз.

Дўкон бўлимларининг бирида Англиянинг дунёга машҳур «Шелл» фирмаси маҳсулотлари ҳам қўйилди. Унинг Ўзбекистондаги вакили Ульведавет жаноблари шундай деди:

— Бизнинг фирма «Тойота» сингари дунёдаги энг йирик компанияларнинг автомобилларини мойлаш маҳсулотлари билан таъминлайди. Шу сабаб бу дўконда, қолаверса бутун республикада шоҳобчамизни очиб, уни юқори сифатли мотор мойлари билан таъминладик.

Тантана охирида меҳмонлар дўконга қўйилган «Тойота» машиналари билан яқиндан танишишди. Айниқса дўконга қўйилган «Карина Е», «Ленд Круизер», «Хай-Эйс» маркасидаги енгил автомобиллар ўзининг пишиқ ишланганлиги ҳамда чиройлилиги билан таклиф этилганларда катта таассурот қолдирди.

Ғулом ЮСУПОВ.

*СУРАТЛАРДА: «Тойота-Ўзинавтосервис» дўконида.*

Рустам Шарипов олган суратлар.

## СОҲИБҚИРОН МАДҲИ ИНГЛИЗ ТИЛИДА

Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг келгуси йили катта тантаналар билан нишонланадиган 660 йиллиги тўйига шаҳримиздаги турли ўқув масканларида ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Куни кеча 309-шарқ тиллари лицейида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Шуниси қувончлики, ушбу тадбир юқори синф ўқувчиларининг ташаббуси билан уюштирилди. Янада диққатга сазовор томони эса, буюк бобокалонимиз ҳаёти ва ибратли ишлари ҳақидаги барча маърузалар инглиз тилида ўқилди. Шу тариқа ўқувчиларнинг ушбу жаҳоний тилни нечоғлик пухта ўзлаштираётганликлари ҳам синаб кўрилди. Ўқувчилардан Жамшид Умаров, Нодира Файзуллаева, Мадина Миркаримова, Умида Парпиеваларнинг соҳибқирон ҳақидаги қизиқарли ҳикоя ва маърузалари барчада катта таассурот қолдирди.

Кечанинг янада мароқли ва бекаму кўст ўтишида муаллималар — Малика Саидова ва Жонона Азимоваларнинг ҳиссалари айниқса катта бўлди.

Нилуфар РАШИДОВА.

## ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Бугунги кунда шаҳримиздаги йирик саноат марказлари негизида қўшма ва кичик корхоналар ишлаб турибди. Тошкент лак-бўёқ ишлаб чиқариш ижара заводида ҳам бундай истиқболли бунёдкорлик ишларига катта аҳамият берилмоқда.

Бу ерда италиялик ишбилармонлар билан биргаликда яқинда мебель лаки ишлаб чиқариш қўшма корхонаси ҳам ташкил топди. Яқин келгусида эса Корея, Туркия, Эрон, Покистон давлатлари мутахассис-ишбилармонлари билан ҳамкорликда енгил машиналар учун турли хил бўёқлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар очиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Заводда янги қурилаётган цех эса йилига 30 минг тонна эмаль тайёрлаш қувватига эга бўлади.

Корхона «Ўзкимёлойиҳа» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳам ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Бундай ҳамкорлик туфайли янги цехни очиш тараддуди кўрилмоқда. Хусусан, темир чиқиндиларидан пигмент моддалари тайёрлаш йўлга қўйилади. Бу цех бир йил мобайнида ана шу хилдаги кимёвий моддалардан икки минг 400 тоннасини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Корхона мутахассислари оҳак чиқиндиларига қайта ишлов бериш, шу асосда сифатли бўр ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш мақсадида «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳам бамаслаҳат иш тутмоқдалар.

Акбар АЛИЕВ.

## «НАФИС» ИНШООТИ

«Тоштўқимачимаш» заводининг жамоа ишчи ва хизматчилари саломатлигини сақлашга ҳам алоҳида эътибор берилялти. Яқинда бу ерда махсус «Нафис» иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. У гальваник ванналардаги ишлатилган сувларни тозалаш имконини беради.

Мастура МИРЗАЕВА.

